

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БИЛАЛОВ БАХОДИР ЭРКИНОВИЧ

**ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ БИТИШМА ЖАРАЁНИНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ТАБИИЙ ПОЛИМЕР АСОСИДАГИ
ГИДРОГЕЛДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

14.00.15 – Патологик анатомия

14.00.08 – Офтальмология

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Билалов Баходир Эркинович

Операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш 3

Билалов Баходир Эркинович

Комплексная оценка эффективности использования гидрогеля на основе природного полимера при профилактике послеоперационного спаечного процесса 25

Bilalov Bakhodir Erkinovich

Comprehensive assessment of the effectiveness of using a natural polymer-based hydrogel in the prevention of postoperative adhesive process..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БИЛАЛОВ БАХОДИР ЭРКИНОВИЧ

**ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ БИТИШМА ЖАРАЁНИНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ТАБИИЙ ПОЛИМЕР АСОСИДАГИ
ГИДРОГЕЛДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

14.00.15 – Патологик анатомия

14.00.08 – Офтальмология

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.4.DSc/Tib1437 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Нишанов Данияр Анарбаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бахритдинова Фазилят Арифовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидова Фарида Муиновна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухаммадеев Тимур Рафаэлевич

тиббиёт фанлари доктори (Россия Федерацияси)

Хасанова Дилноза Ахраровна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Б. Саидов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глаукомани медикаментоз терапияси ривожланганига қарамай, беморларнинг катта қисми кўз ичи босимини пасайтиришга қаратилган жарроҳлик даволанишга муҳтож. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...глаукома ортга қайтмас кўрликнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб қолмоқда ва беморлар сони 2020 йилдаги 76,5 млн нафардан 2040 йилга келиб 111,8 млн нафарга етиши прогноз қилинмоқда...»¹. Глаукомани даволашда фистула ҳосил қилувчи операцияларнинг аҳамияти юқори бўлишига қарамай, уларнинг самарадорлиги суяқлик чиқиш йўллариининг чандикланишига олиб келувчи кучли фибропластик реакция туфайли пасайиб, натижадорлик 30-45% га камаяди. Илмий манбаларга кўра, операциядан кейинги репаратив жавобда фибробластлар фаоллашуви ва хужайралараро матрикс синтезининг кучайиши филтрацион аралашувлар самарадорлигини пасайтиради. Антиметаболитлар (митомицин-С, 5-фторурацил) қўлланилиши асоратлар хавфи билан чеклангани сабабли, фиброзни цитотоксик таъсирсиз бошқарувчи биомослашувчан материалларга қизиқиш ортмоқда. Шунинг учун вақтинчалик барьер ҳосил қилиш ва хужайравий жараёнларга таъсир кўрсатиш қобилиятига эга табиий гидрогеллар энг истиқболли йўналиш ҳисобланиб, уларни баҳоловчи тадқиқотларни олиб бориш замонавий офтальмологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш тартибини такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг L929 фибробласт хужайра линиясида *in vitro* шароитда антипролифератив хусусиятлари ва цитотоксиклигини баҳолаш, гидрогелнинг асосий компоненти – натрий карбоксиметилцеллюлоза тузининг кўз тўқималарига нисбатан *in vivo* шароитда клиник олди биомослашувчанлиги ва ўзлашувчанлигини ҳайвон моделларида тадқиқ этиш, клиник, офтальмологик ва гистоморфологик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш ҳамда натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель қўлланилган ҳолда антиглаукоматоз операциянинг экспериментал моделини яратиш ва шаклланган филтрацион ёстиқчанинг ҳаётий клиник кўрсаткичларини динамикада баҳолаш тартибини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, глаукомани хирургик даволашда операциядан кейинги битишма жараёнини профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелнинг

¹Lo P.F., Lim S.T., Wang X., Wong T.T. Current Challenges of Managing Fibrosis Post Glaucoma Surgery and Future Perspectives. // Journal of Clinical Medicine. – 2025. – 14(23).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

самарадорлигини комплекс баҳолашга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор, жумладан, етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: University of California San Francisco; Oregon Health & Science University; Texas Tech University, University of California San Diego, University of Johns Hopkins; University of Rice (АҚШ); Aristotle University of Thessaloniki (Греция); Universidad de Cantabria (Испания); University of Radboud (Голландия); Moorfields Eye Hospital (Буюк Британия); University of Toronto (Канада); University of Copenhagen (Дания); University of Kyoto (Япония); University of Tianjin, University of Beijing, Wenzhou Medical University, University of Hong Kong (Хитой); Singapore National Eye Centre (Сингапур), Kyoto Prefectural University of Medicine (Япония), University of Melbourne (Австралия), University of Geneva (Швейцария), академик С.Н. Федоров номидаги «Кўз микрохирургияси» маркази, Гельмгольц номидаги Москва кўз касалликлари ИТИ (Россия), Тошкент давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон).

Операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: кўз касалликларни даволашда дори воситаларни, ишлаб чиқиш ва таъминлашга қартилган тактика ишлаб чиқилган University of Rice (АҚШ); кўз касалликларни даволашда нанотехнологияларни ўрни ва самарадорлиги исботланган Shiraz University (Эрон); гиалурон кислотаси, альгинат ва целлюлоза ҳосилалари, Na-КМЦ асосидаги гидрогелларни, маҳаллий яллиғланишни

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed; www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.worldofscience.org, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnloi.ru, www.scopus.com, www.cancercenter.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

модерация қилиш, барьер ҳосил қилиш ва фиброз ўзгаришларни секинлаштириш хусусиятига эга эканлигининг ўрни исботланган (University of California Davis, Kyoto Prefectural University of Medicine); операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган (Тошкент давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон)).

Дунёда операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: клиник олди тадқиқотлар асосида натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни клиник амалиётда қўллаш учун антиглаукоматоз жарроҳликнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш; бирламчи очик бурчакли глаукомаси бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан сўнг натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни қўллаш самарадорлиги, препаратнинг кўз офтальмогидродинамик кўрсаткичлари динамикасига, биомикроскопик белгиларига ҳамда кўз олд сегменти оптик когерент томографияси маълумотлари асосида фильтрацион ёстиқчанинг визуализация-морфологик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда кўплаб хорижий ва маҳаллий тадқиқотларда антиглаукоматоз жарроҳлик самарадорлигининг пасайишида, айниқса узок муддатли даврларда, фиброз-пролифератив жараёнларнинг етакчи роли тасдиқланган (Khaw et al., 2020; Collotta et al., 2023; Sacchi et al., 2025). Ўтиборнинг асосий қисми митомицин-С ва 5-фторурацил каби антиметаболитларни қўллашга қаратилган, аммо уларни ишлатиш кистоз макуляр шиш, склеромаляция ва оғир гипотония каби жиддий асоратлар ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлиб, бу уларнинг кенг қўлланилишини чеклайди (Bell et al., 2021; Lee et al., 2017; Kumar et al., 2021). Муқобил воситалар – антиадгезив геллар ва гидрогеллардан фойдаланишга бағишланган тадқиқотлар ҳозирча кам сонли бўлиб, асосан экспериментал моделлар доирасида чекланиб қолмоқда ва клиник амалиётда тўлиқ жорий этилмаган (Dave et al., 2024; Ding et al., 2020; Fea et al., 2022). Жаҳон адабиётида натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни офтальмохирургияда, айниқса фильтрацион ёстиқча зонасида бевосита қўллашда унинг самарадорлиги ва хавфсизлигини тасдиқловчи тизимлаштирилган маълумотлар деярли мавжуд эмас. Илмий адабиётларда гидрогелларни жарроҳликда қўллаш уларнинг офтальмологияда битишма жараёнларини олдини олиш воситаси сифатида катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Фибрознинг профилактикасига қаратилган мавжуд ёндашувларнинг чекланганлиги ҳамда янги биоматериалларга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани шароитида, антифибротик таъсирга эга натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни ишлаб чиқиш ва уни клиник жиҳатдан апробация қилиш илмий жиҳатдан асосли ва клиник амалиёт учун долзарб ҳисобланади. Айниқса гидрогель самарадорлигини патоморфология, офтальмология ва замонавий визуализация усуллари нуқтаи назаридан комплекс баҳолаш даволаш натижаларини объективлаштириш ва уларнинг прогнозлилигини ошириш имконини беради. Целлюлоза ҳосилаларининг юқори биомослашувчанлиги ва кенг мавжудлигига қарамай, уларнинг офтальмологик хусусиятлари ва антиадгезив потенциали ҳақидаги маълумотлар асосан *in vitro* тадқиқотлар билан чекланиб, тўқималардаги ўзгаришларнинг патоморфологик ёки иммуногистокимёвий верификацияси камдан-кам ҳолларда ўрганилган. Шунингдек, узок муддатли клиник-функционал кўрсаткичлар етарли

даражада таҳлил қилинмаган бўлиб, олдинги сегмент оптик когерент томографияси каби замонавий визуализация усуллариининг қўлланилиши ҳам ҳозирча кенг тарқалмаган (Алексеев И.Б., Самойленко А.И., 2019; Бикбов М.М., Бабушкин А.Э., 2019).

Ўзбекистонда офтальмологияда қўлланилаётган маҳаллий биополимерларнинг антифибротик ва антиадгезив хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. Айрим ишлар (Билалов Э.Н., Бахритдинова Ф.А., Миррахимова С.Ш., 2017; Каримова М.Х., Савранова Т.Н., 2018; Юсупов А.А., 2024; Юсупов А.Ф., 2024) глаукома жарроҳлигининг умумий клиник самарадорлигига бағишланган бўлиб, операциядан кейинги чандиқланишнинг структуравий-функционал ва морфологик жиҳатлари ҳозирга қадар етарлича ўрганилмаган.

Шу боис, *in vitro*, *in vivo* ва клиник босқичларни ўз ичига олган, замонавий визуализация ва морфологик таҳлил усулларига асосланган комплекс, кўп босқичли тадқиқот ўтказиш зарурати офтальмология фанининг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳал қилиниш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012300282 «Инсон жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволашда янгича ёндашув» (2023-2027 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глаукома жарроҳлигида операциядан кейинги фиброзни олдини олиш мақсадида натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини патоморфологик ҳамда офтальмологик ёндашувлар нуктаи назаридан ишлаб чиқиш, экспериментал жиҳатдан асослаш ва клиник баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг L929 фибробласт хужайра линиясида *in vitro* шароитда антипролифератив хусусиятлари ва цитотоксиклигини баҳолаш;

гидрогелнинг асосий компоненти – натрий карбоксиметилцеллюлоза тузининг кўз тўқималарига нисбатан *in vivo* шароитда клиник олди биомослашувчанлиги ва ўзлашувчанлигини ҳайвон моделларида тадқиқ этиш, клиник, офтальмологик ва гистоморфологик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш;

натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель қўлланилган ҳолда антиглаукоматоз операциянинг экспериментал моделини яратиш ва шаклланган филтрацион ёстиқчанинг ҳаётий клиник кўрсаткичларини динамикада баҳолаш;

натрий карбоксиметилцеллюлоза асосида ишлаб чиқилган гидрогель қўлланилгандан сўнг филтрацион ёстиқчанинг патоморфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни муқобил воситалар қўлланилган натижалар билан таққослаш;

клиник олди тадқиқотлар асосида натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни клиник амалиётда қўллаш учун антиглаукоматоз жарроҳликнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш;

бирламчи очик бурчакли глаукомаси бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан сўнг натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни қўллаш самарадорлиги, препаратнинг кўз офтальмогидродинамик кўрсаткичлари динамикасига, биомикроскопик белгиларига ҳамда кўз олд сегменти оптик

когерент томографияси маълумотлари асосида фильтрацион ёстикчанинг визуализация-морфологик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида экспериментал тадқиқотлар учун L929 фибробласт хужайра линияси, 48 (96 та кўз) та тажриба қуёнлари ва клиник тадқиқотларга Тошкент давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли шифохоналари офтальмология бўлимида бирламчи очиқ бурчакли глаукома ташхиси билан хирургик даволанган 105 нафар (105 та кўз) беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель эритмалари билан ишлов берилган L929 фибробласт хужайра линияларида *in vitro* шароитида цитотоксикликни ва антипролифератив фаоллигини, натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни *in vivo* шароитида тажриба ҳайвонларининг кўз тўқималарида биомослашувчанлиги, хавфсизлиги, натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель қўлланган тажрибавий антиглаукоматоз операция моделида фильтрация ёстикчаси параметрларини биомикроскопик баҳолаш, ҳайвонлар кўз тўқималарида кечаётган чандиқланиш жараёнларининг патоморфологик ва глаукома ташхиси билан хирургик даволанган беморларнинг клиник-функционал текширув материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда экспериментал, морфологик, гистоморфологик, иммуногистохимёвий, морфометрик, клиник-функционал, инструментал ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг цитотоксик таъсирга эга эмаслиги ва юқори биомослашувчанлиги *in vitro* шароитида L929 фибробласт хужайра линиясида ҳамда гидрогелнинг яхши ўзлашувчанлиги, яллиғланиш реакцияси ва патологик ўзгаришларни чақирмаслиги, кўз тузилмалари яхлитлигини бузмаслиги *in vivo* шароитида исботланган;

тажриба ҳайвонларида антиглаукоматоз жарроҳлик моделида натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель қўлланилганда биомикроскопик кўрсаткичлар динамикаси комплекс баҳоланиб, унинг антифибротик таъсири, яллиғланиш-пролифератив жавобни камайтириши ҳамда фильтрацион ёстикча тузилмасини яхшироқ сақлаш хусусияти патоморфологик исботланган;

натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг антиадгезив таъсири фильтрацион ёстикчанинг иммуногистохимёвий таҳлиллар асосида Десмин ва Ki-67 пролиферация маркерлари экспрессияси даражасининг ишончли пасайиши билан характерланиши исботланган;

илк бор натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги маҳаллий гидрогель қўлланилишига асосланган антиглаукоматоз операциянинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

кўзнинг олдинги сегмент оптик когерент томография маълумотларига асосланиб, натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни қўллаш фильтрацион ёстикчанинг янада барқарор клиник-визуализация профилини шакллантириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экспериментал ва клиник жиҳатдан офтальмохирургияда натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги маҳаллий гидрогелни қўллаш хавфсизлиги, биомослашувчанлиги антиглаукоматоз операциялардан кейинги фиброзни олдини олиш имконини берган;

натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг цитотоксик таъсири ва унинг биомослашувчанлигини *in vitro* шароитида L929 фибробластлар хужайра линиясида аниқлаш услуги ишлаб чиқилган;

антиадгезив воситаларни клиник олди баҳолаш учун *in vitro* ва *in vivo* моделларни ўз ичига олган комплекс протокол таклиф этилган;

натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни интраоперацион қўллашга асосланган антиглаукоматоз жарроҳликнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

биомикроскопия ва олд сегмент оптик когерент томографиясидан фойдаланган ҳолда антиглаукоматоз операциялардан кейин филтрацион ёстиқчанинг ҳолатини морфологик ва визуализациявий баҳолашнинг объектив мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор, иммунфермент, инструментал, морфологик ва статистик усуллари асосида операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, янги ишлаб чиқарилган натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг цитотоксик хавфсизлиги, биомослашувчанлиги, юқори антифибротик самарадорлиги кўп босқичли экспериментал ва клиник тадқиқотлар ёрдамида исботланиб ортиқча чандиқланишнинг олдини олиш учун натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель қўлланилган янги антиглаукоматоз жарроҳлик усули таклиф этилганлиги ҳамда бирламчи очиқ бурчакли глаукома хирургиясининг замонавий ютуқларига катта ҳисса қўшилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий экспериментал ва клиник текширувларга асосланганлиги, операциядан кейинги фибрознинг олдини олиш ва филтрация ёстиқчасининг барқарорлигини оширишга қаратилган натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель ёрдамида антиглаукоматоз жарроҳликнинг такомиллаштирилган янги усулини ишлаб чиқилганлиги, таклиф қилинаётган табиий полимер асосидаги гидрогелни офтальмологик жарроҳликда қўллаш асоратлар сонини камайтириши, операциядан кейинги даврларда беморларни бошқариш тактикасини оптималлаштиришга қаратилган филтрация ёстиқчасининг морфофункционал ва визуализация баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг цитотоксик таъсирга эга эмаслиги ва юқори биомослашувчанлиги *in vitro* шароитида L929 фибробласт хужайра линиясида ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан исботланганлиги, шунингдек, гидрогелнинг яхши ўзлашувчанлиги, яллиғланиш реакцияси ва патологик ўзгаришларни чақирмаслиги

ҳамда кўз тузилмалари яхлитлигини бузмаслиги in vivo шароитида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар билан тасдиқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 27.10.2025 йилда 10-25/701-t–сон билан тасдиқланган «Антиглаукоматоз жарроҳликнинг экспериментал моделида антиадгезив гидрогелнинг самарадорлигини патоморфологик ва иммуногистокимёвий баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Урганч давлат тиббиёт институти бўйича 03.11.2025 йилдаги 343-11-25213/1-сон ва Андижон давлат тиббиёт институти бўйича 28.11.2025 йилдаги Т-01/08/3081-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 03.02.2026 йилдаги 02/41-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг хавфсизлиги исботланиши маҳаллий биоматериалларни глаукома хирургиясида қўллаш имкониятларини кенгайтиради, асоратлар хавфини камайтиради ва аҳолига кўрсатиладиган офтальмологик ёрдам сифатини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги маҳаллий гидрогелдан фойдаланиш (бир флакон учун тахминан 62500 сўм) импорт аналоглари (бир донаси тахминан 2500000 сўм) билан солиштирилганда, бир процедура учун сарфланадиган тахминан 2437500 сўм ($\approx 97-98\%$) маблағлар иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: тажриба ҳайвонларида антиглаукоматоз жарроҳлик моделида натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогель қўлланилганда биомикроскопик кўрсаткичлар динамикаси комплекс баҳоланиб, унинг антифибротик таъсири, яллиғланиш-пролифератив жавобни камайтириши ҳамда фильтрацион ёстиқча тузилмасини яхшироқ сақлаш хусусияти патоморфологик исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 27.10.2025 йилда 10-25/701-t–сон билан тасдиқланган «Антиглаукоматоз жарроҳликнинг экспериментал моделида антиадгезив гидрогелнинг самарадорлигини патоморфологик ва иммуногистокимёвий баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Урганч давлат тиббиёт институти бўйича 03.11.2025 йилдаги 343-11-25213/1-сон ва Андижон давлат тиббиёт институти бўйича 28.11.2025 йилдаги Т-01/08/3081-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 03.02.2026 йилдаги 02/41-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* биомослашувчанлиги ва хавфсизлиги тасдиқланган материаллардан фойдаланиш орқали операциядан кейинги яллиғланиш асоратлари хавфини камайтириш ва глаукомани хирургик даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* истиқболли биоматериалларни қиммат клиник ресурсларни жалб этмасдан олдиндан саралаш имконияти билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқилган экспериментал моделдан фойдаланиш натижасида клиниколди валидация босқичидаги харажатлар (клиник база жалб этилган тўлиқ циклда ўртача 125–250 млн сўмни ташкил этади) 30–50% га иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелнинг антиадгезив таъсири фильтрацион ёстиқчанинг иммуногистокимёвий таҳлиллар асосида Десмин ва Ki-67 пролиферация маркерлари экспрессияси даражасининг ишончли пасайиши билан характерланиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетиининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 27.10.2025 йилда 10-25/701-t–сон билан тасдиқланган «Антиглаукоматоз жарроҳликнинг

экспериментал моделида антиадгезив гидрогелнинг самарадорлигини патоморфологик ва иммуногистокимёвий баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Урганч давлат тиббиёт институти бўйича 03.11.2025 йилдаги 343-11-25213/1-сон ва Андижон давлат тиббиёт институти бўйича 28.11.2025 йилдаги Т-01/08/3081-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 03.02.2026 йилдаги 02/41-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* глаукомани хирургик даволаш самарасини ошириш, фильтрация ёстикчасининг барқарор шаклланиши ва чандиқланиш хавфининг камайиши ҳисобига намоён бўлади ва беморларнинг кўриш функцияси ва ҳаёт сифатини тўғридан-тўғри яхшилайдди. *Иқтисодий самарадорлиги:* қайта ва кенгайтирилган иммуногистокимёвий тадқиқотларни ўтказиш заруратининг камайиши билан изоҳланади (пролиферация маркерлари – Ki-67 ва Desmin каби кўрсаткичларни аниқлаш билан боғлиқ битта иммуногистокимёвий таҳлилнинг ўртача қиймати ҳар бир маркер учун 500000–800000 сўмни ташкил этади). Шу билан бирга, тўқималар пролифератив фаоллигини ишончли равишда пасайтирувчи натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни қўллаш орқали бундай тадқиқотлар частотасини қисқартириш натижасида улар билан боғлиқ харажатлар 30–40% га иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги маҳаллий гидрогель қўлланилишига асосланган антиглаукоматоз операциянинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 27.10.2025 йилда 10-25/701-т-сон билан тасдиқланган «Антиглаукоматоз хирургиядан кейин фильтрация ёстикчасининг визуализацион-морфологик кўрсаткичларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали бўйича 04.11.2025 йилдаги № 47-Т – сон, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бўйича 04.11.2025 йилдаги № 146-у – сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 03.02.2026 йилдаги 02/41-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* операциядан кейинги чандиқланиш хавфини камайитириш, антиглаукоматоз эффектнинг барқарорлигини ошириш ва натижада глаукоманинг прогрессияланиш эҳтимолини пасайтиришда намоён бўлиб, кўришни сақлаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги маҳаллий гидрогелдан фойдаланиш (бир доза учун тахминан 62 500 сўм) хорижий аналоглар (2500000сўм) билан солиштирилганда, жарроҳлик аралашуви учун сарфланадиган маблағларнинг ўртача 97–98% иқтисод қилинади;

бешинчи илмий янгилик: кўзнинг олдинги сегмент оптик когерент томография маълумотларига асосланиб, натрий карбоксиметилцеллюлоза асосидаги гидрогелни қўллаш филтрацион ёстикчанинг янада барқарор клиник-визуализация профилини шакллантириши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 27.10.2025 йилда 10-25/701-т-сон билан тасдиқланган «Антиглаукоматоз хирургиядан кейин фильтрация ёстикчасининг визуализацион-морфологик кўрсаткичларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кўз

микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали бўйича 04.11.2025 йилдаги № 47-Т–сон, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бўйича 04.11.2025 йилдаги № 146-у–сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 03.02.2026 йилдаги 02/41-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* глаукомани хирургик даволаш натижаларини мониторинг қилишда аниқлик ва объективликни оширишда намоён бўлади. Бу чандикланиш хавфини ўз вақтида аниқлаш, даволаш тактикасини тўғрилаш ва узоқ муддатли натижаларни яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* олдинги сегментнинг оптик когерент томографиясини қўллаш (бир текширувнинг ўртача қиймати 150000–250000 сўм) ҳисобига асоссиз такрорий кўриклар ва инвазив аралашувлар сони камайиши, шунингдек қўшимча диагностика амалиётлари эҳтиёжини қисқартириши натижасида анъанавий кузатув усулларига нисбатан умумий ташхисот учун сарфланадиган маблағларнинг 30–35% иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган; тадқиқотнинг Республикада фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган; илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича маълумотлар, шунингдек чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антиглаукоматоз операциялардан кейин репаратив жараёнларни бошқаришнинг замонавий тенденциялари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида антиглаукоматоз операциялардан кейин ривожланадиган операциядан кейинги фибрознинг механизмлари ва унинг олдини олишга қаратилган асосий ёндашувлар ҳақидаги замонавий қарашлар ёритилган. Жумладан, антиметаболитлар, ўсиш омиллари ингибиторлари, яллиғланишга қарши воситаларни қўллаш ҳамда жарроҳлик техникасини модификация қилиш масалалари таҳлил қилинган. Биомослашувчан гидрогеллар антиадгезив ва дори ташувчи тизимлар сифатида алоҳида эътиборга олинган. Операциядан кейинги фиброзни профилактика қилишда натрий карбоксиметилцеллюлоза (Na-КМЦ) асосидаги гидрогеллар юқори биомослашувчанликка ва яққол фойдаланган

антифиброз салоҳиятига эга бўлгани сабабли энг истиқболли воситалар сифатида кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Операциядан кейинги битишма жараёнининг профилактикасида табиий полимер асосидаги гидрогелдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш материал ва усулларининг тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида комплекс клинико-экспериментал тадқиқотнинг барча босқичлари батафсил баён этилган. Тадқиқот Тошкент давлат тиббиёт университети (ТДТУ) офтальмология кафедраси базасида бажарилган. Препаратнинг пролифератив фаоллиги, цитотоксиклиги ва биомослашувчанлигини ўрганишга қаратилган клиник олди тадқиқотлар ТДТУ хузуридаги Биотиббиёт тадқиқотлар маркази лабораториясида, патоморфологик тадқиқотлар – Республика патологик анатомия марказида, клиник босқич эса ТДТУ Кўп тармоқли клиникасининг кўз касалликлари бўлимида ўтказилган. Тадқиқот 2023 йил сентябридан 2025 йил сентябригача бўлган даврда амалга оширилган.


Тадқиқот объекти сифатида Na-КМЦ асосидаги гидрогель олинган бўлиб, у биомослашувчан, сўриладиган, антиадгезив хусусиятларга эга тиббий маҳсулот ҳисобланади. Мазкур гидрогель Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланган (IAP №20110496, 28.11.2011 й.).

Тадқиқот антиглаукоматоз операцияларда Na-КМЦ гидрогелининг биомослашувчанлиги, хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳолашга қаратилган олти босқичда ўтказилди. Дастлаб, *in vitro* шароитда L929 фибробластлар культурасида 2–4% ли Na-КМЦ гидрогелининг цитотоксиклиги, биомослашувчанлиги ҳамда хужайралар пролиферацияси ва метаболик фаоллиги трипан кўки, кристалли бинафша ва Alamar Blue усуллари ёрдамида баҳоланди. Кейинчалик, *in vivo* шароитда 12 та қуёнда 3% ли Na-КМЦ гидрогелининг маҳаллий ва умумий кўтарилувчанлиги «Омнивиск» ва 0,9% NaCl билан таққосланди, офтальмологик ва токсик-аллергик кўрсаткичлар ўрганилди. Эксперимент якунлангач, кўз тўқималарида гистологик таҳлиллар ўтказилди. Шунингдек, 36 та қуёнда антиглаукоматоз операция моделида Na-КМЦ гидрогелининг самарадорлиги баҳоланиб, фильтрацион ёстиқча ҳолати IBAGS шкаласи асосида кузатилди; олинган тўқималар гистологик ва иммуногистокимёвий усулларда таҳлил қилинди. Клиник босқичда эса ривожланган ва ўта ривожланган БОБГ билан оғриган 105 нафар беморда Na-КМЦ гидрогели қўлланган чуқур склерэктомиянинг самарадорлиги анъанавий усул ва «Омнивиск» билан таққосланиб, 12 ой давомида КИБ, тонография, кўриш функциялари ҳамда фильтрацион ёстиқча морфологияси баҳоланди.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш кўрсаткичлар тури, уларнинг тақсимланиш хусусияти ва танланма ҳажмини ҳисобга олган ҳолда бажарилди. Нормал тақсимланишда натижалар $M \pm m$ кўринишида, нормал бўлмаган тақсимланишда эса Me (25–75-квартиллар) шаклида ифодаланди. Гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги Стъюдентнинг *t*-критерийи ёрдамида баҳоланди; статистик аҳамият даражаси $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Натрий карбоксиметилцеллюлоза тузи асосидаги гидрогелнинг цитотоксиклиги ва биомослашувчанлигини L929 хужайра культурасида экспериментал баҳолаш**» номли учинчи бобида *in vitro* клиник


олди тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот тўртта асосий тажриба сериясини ўз ичига олган: хужайра популяциясининг ўсиш динамикасини таҳлил қилиш, метаболик фаолликни баҳолаш (МТТ (Метилтиазолилтетразолий) -таҳлил, аломаркўк билан бўяш), тирик хужайралар улушини трипан кўки усули билан миқдорий аниқлаш ҳамда хужайраларнинг морфологик таҳлили. Барча тадқиқотлар L929 фибробласт хужайра линияси культурасида Na-КМЦ асосидаги гидрогелнинг 2%, 3% ва 4% концентрациялари таъсирида, назорат гуруҳи ва эталон цитостатик препарат – актиномицин-D билан солиштириш асосида бажарилган (1-4-расмлар).



1-расм. L929 линияси фибробласт хужайралари культураси. Назорат хужайралари (трипан кўки билан бўяш).



2-расм. 3% ли Na-КМЦ билан 24 соат инкубациядан кейин (аломаркўк билан бўяш).



3-расм. 3% ли Na-КМЦ 72 соат инкубациядан кейин (бўяшсиз).




4-расм. Актиномицин-D 72 соат инкубациядан кейин (аломаркўк билан бўяш).

L929 фибробластлар культурасида Na-КМЦ гидрогели хужайралар пролиферациясига салбий таъсир кўрсатмаган ва назорат гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган, шу билан бирга актиномицин-D гуруҳида хужайра ўсишининг сезиларли сусайиши кузатилган (5-расм).

Кристалли бинафша билан бўяшдан кейин $\lambda = 595$ нм да оптик зичликни таҳлил қилиш олинган қонуниятларни тасдиқлади: назорат гуруҳида ҳамда Na-КМЦ 2–3% концентрацияларда қўлланилганда оптик зичлик кўрсаткичининг барқарор ўсиши кузатилди (72 соат давомида 0,15 $\rightarrow$ 0,45). 4% концентрацияда эса статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган энгил пасайиш қайд этилди.

Актиномицин-D таъсирида, аксинча, оптик зичликнинг 0,12 гача ишончли камайиши аниқланди ($p < 0,05$).

Хужайралар сони кўрсаткичи




5-расм. Турли чуқурчалардаги 72 соатлик кузатув давомида хужайралар сони кўрсаткичининг динамикаси.

Шундай қилиб, Na-KMЦ гидрогели текширилган барча концентрацияларда L929 фибробласт хужайраларига нисбатан цитотоксик ёки антипролифератив таъсир кўрсатмади, хужайраларнинг юқори ҳаётийлиги, метаболик фаоллиги ва типик морфологиясини сақлаб қолди.

Диссертациянинг «**Натрий карбоксиметилцеллюлоза тузи асосидаги полимер гидрогелнинг соғлом қуён кўзларига таъсири ва кўтарилувчанлигини экспериментал тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобида соғлом қуён кўзларида Na-KMЦ асосидаги полимер гидрогелининг умумий ва маҳаллий кўтарилувчанлиги ҳамда кўзнинг функционал ҳолатига таъсирга бағишланган экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган. Эксперимент 12 та зотсиз қуёнларда (24 кўз) ўтказилиб, ҳайвонлар уч гуруҳга ажратилди: асосий гуруҳ (3,0 % Na-KMЦ инстиляцияси), солиштира гуруҳ (вискоэластик «Омнивиск») ва назорат гуруҳи (0,9 % NaCl эритмаси). Препаратлар 7 кун давомида томизилди, шундан сўнг ҳайвонлар 1 ой мобайнида кузатилди.

Умумий ва маҳаллий кўтарилувчанликни баҳолаш натижалари 3,0% ли Na-KMЦ гидрогели ҳайвонларнинг умумий ҳолати, офтальмологик кўрсаткичлари ва кўз тўқималари морфологиясига салбий таъсир кўрсатмаганини, токсик, аллергия ёки яллиғланиш реакцияларини чақирмаганини кўрсатди. Эксперимент якунида кўз тўқималарининг гистоморфологик тадқиқоти (конъюнктива, шох парда, склера, рангдор парда, цилиар тана, тўр парда, кўрув нерви) яллиғланиш, дистрофик ёки дегенератив ўзгаришларни аниқламади. Барча тузилмаларнинг гистоархитектоники альбинос қуён кўзлари учун хос бўлган интакт морфологияга мос келди.

Диссертациянинг «**Антиглаукоматоз операциянинг экспериментал моделида кўз олд сегменти ва филтрацион ёстиқчанинг клиник-функционал ҳолатини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида *in vivo* экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.




Склерал клапанни (СК) шакллантириш.




СК ни лимбга асосланган ҳолда ажратиш



Интрасклерал бўшлиққа (ИСБ) гидрогелни қўллаш.



СК ни фиксация қилиш.



СК га гидрогелни қўллаш.



Операциянинг якуни.

6-расм. Экспериментал антиглаукоматоз операция моделининг босқичлари.

In vivo экспериментал тадқиқотлар ТДТУ нинг Марказий илмий тадқиқот лабораторияси (МИТЛ) шароитида халқаро этик меъёрларга риоя қилинган ҳолда 36 та зотсиз эркак қуёнларнинг 72 та кўзида ўтказилди. Ҳайвонлар учта тенг гуруҳга ажратилди (ҳар бир гуруҳда 12 та қуён, 24 та кўз): – назорат гуруҳи – дренаж қўлланилмаган антиглаукоматоз операция; – асосий гуруҳ – 3,0% ли Na-КМЦ гидрогели дренажи қўлланган антиглаукоматоз операция; – таққослаш гуруҳи – «Омнивиск» вискоэластиги қўлланган антиглаукоматоз операция.

Барча гуруҳларда антиглаукоматоз операциянинг экспериментал модели бажарилди (6-расм). Операциядан кейинги 14-кунда кўзнинг олд сегменти ва ФЁ нинг ҳолати 7–9-расмларда келтирилган.



7-расм. Асосий гуруҳ. Операциядан кейин 14-кун кўзнинг олдинги қисми.



8-расм. Қиёсий гуруҳ. Операциядан кейин 14-кун кўзнинг олдинги қисми.



9-расм. Назорат гуруҳи. Операциядан кейин 14-кун кўзнинг олдинги қисми.

Операциядан кейинги кузатув 1, 3, 7, 14, 30 ва 44-кунларда биомикроскопия, офтальмоскопия, фотокайд этиш ҳамда IBAGS шкаласи бўйича ФЁ нинг морфологиясини баҳолаш орқали амалга оширилди; ҳайвонлар экспериментдан

операциядан кейин 2, 4 ва 6 ҳафтада чиқарилди. 1-жадвалда ФЁ нинг миқдорий кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал.

IBAGS классификацияси бўйича ФЁ нинг ҳолатини баллларда баҳолаш натижалари.


Муддат	Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=12, 24 кўз)	Қиёсий гуруҳ (n=12, 24 кўз)	Назорат гуруҳи (n=12, 24 кўз)
		M±SD	M±SD	M±SD
0-2 ҳафта	<i>ФЁ нинг баландлиги</i>	1,92±0,41	1,88±0,38	1,79±0,41
	<i>ФЁ нинг кенглиги</i>	2,38±0,49	2,33±0,48	2,33±0,45
	<i>Васкуляризация даражаси</i>	0,21±0,41	0,17±0,38	0,17±0,38
	<i>Зейдель синамаси</i>	—	—	—
Муддат	Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=8, 16 кўз)	Қиёсий гуруҳ (n=8, 16 кўз)	Назорат гуруҳи (n=8, 16 кўз)
		M±SD	M±SD	M±SD
2-4 ҳафта	<i>ФЁ нинг баландлиги</i>	1,75±0,45 [^]	1,63±0,50 [^]	0,94±0,44*
	<i>ФЁ нинг кенглиги</i>	2,31±0,48 [^]	2,25±0,45 [^]	0,75±0,45*
	<i>Васкуляризация даражаси</i>	0,31±0,48	0,31±0,48	0,75±0,58
	<i>Зейдель синамаси</i>	—	—	—
Муддат	Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=4, 8 кўз)	Қиёсий гуруҳ (n=4, 8 кўз)	Назорат гуруҳи (n=4, 8 кўз)
		M±SD	M±SD	M±SD
4-6 ҳафта	<i>ФЁ нинг баландлиги</i>	1,50±0,53 [^]	1,50±0,53 [^]	0,63±0,52*
	<i>ФЁ нинг кенглиги</i>	2,38±0,52 [^]	2,38±0,52 [^]	0,38±0,52*
	<i>Васкуляризация даражаси</i>	0,38±0,52 [^]	0,63±0,52 [^]	1,5±0,53*
	<i>Зейдель синамаси</i>	—	—	—

Изоҳлар: * – гуруҳ доирасида олдинги кузатув муддатига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли фарқ (p<0,01); [^] – назорат гуруҳининг мос кўрсаткичига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли фарқ (p<0,01).


Диссертациянинг «Экспериментал ҳайвонларда антиглаукоматоз операциянинг турли муддатларида кўз тўқималари тузилмаларининг репаратив регенерациясини морфологик тадқиқ этиш натижалари» деб номланган олтинчи бобида назорат, солиштирма ва асосий гуруҳларда антиглаукоматоз операциянинг экспериментал модели қўлланилгандан кейин кўз тўқималарида кечадиган репаратив регенерация жараёнларини акс эттирувчи патоморфологик ва иммуногистокимёвий (ИГК) тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Назорат гуруҳида операциядан кейин яллиғланиш-пролифератив ўзгаришлар босқичма-босқич кучайиб, 6-ҳафтага келиб зич склеротик чандиқ шаклланиши ва дренаж функциясининг йўқолиши кузатилди (10-11-расмлар). Қиёсий гуруҳда («Омнивиск») ушбу ўзгаришлар камроқ ифодааланган бўлсада, фибробластик реакция ва бошланғич фиброз белгилари сақланиб қолди, бу эса антиглаукоматоз таъсир давомийлигини чеклади (12-13-расмлар). Na-KМЦ гидрогели қўлланилган асосий гуруҳда эса яллиғланиш реакцияси минимал даражада бўлиб, тўқималар архитектоникаси ва фильтрацион ёстикчанинг функционал фаоллиги кузатувнинг


барча муддатларида сақланиб қолди, қўпол фиброз белгилари аниқланмади (14-15-расмлар).




10-расм. Назорат гуруҳи. Склера. Операциядан 4 ҳафта ўтгач. ИСБ. Мукоид шишиш, деполимеризация ва дезорганизация. Бўяш: Г–Э. Кат.: ок. 10, об. 40.




11-расм. Назорат гуруҳи. Склера. Операциядан 6 ҳафта ўтгач. Қўпол коллаген толаларининг яққол етилиш жараёни. ИСБ нинг йўқолиши ва склерал клапан (СК) склерози ва деформацияси. Бўяш: Ван–Гизон. Кат.: ок.10, об.20.




12-расм. Қиёсий гуруҳ. Склера. Операциядан 4 ҳафта ўтгач. СК шаклланиш соҳаси. Фибробластлар гиперпродукцияси ва фиброз тўқима шаклланиши ҳисобига.интакт тўқимадан яққол фарқ қилади. Бўяш: Ван–Гизон. Кат.: ок.10, об.40.



13-расм. Қиёсий гуруҳ. Склера. Операциядан 6 ҳафта ўтгач. СК шаклланиш соҳаси. Фибробластларнинг яққол пролиферацияси ва гиперпродукцияси. Бўяш: Г–Э. Кат.: ок. 10, об. 40.



14-расм. Асосий гуруҳ. Склера. Операциядан 2 ҳафта ўтгач. ИСБ визуализация қилинади. СК соҳасида зич жойлашган, яхши шаклланган ва бир хил йўналишда ориентирланган коллаген толалари аниқланади; оралиқ интерстициал шиш кам ифодаланган. Бўяш: Г–Э. Кат.: ок. 10, об. 40.




15-расм. Асосий гуруҳ. Склера. Операциядан 6 ҳафта ўтгач. ИСБ ва ФЁ сақланган. Яллиғланиш реакцияси даражасига етмайдиган, суст ифодаланган лимфогистио–цитар инфильтрат аниқланади. Ингичка деворли қон томирлари кузатилади. Бўяш: Г–Э. Кат.: ок. 10, об. 40.


ИГК тадқиқотлар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида Ki-67 ва десмин экспрессияси юқори қийматларга (67 % гача) етган бўлиб, бу фибробластларнинг фаол пролиферацияси ва уларнинг миофибробластларга трансформациясини

кўрсатади. Солиштирма гуруҳда ушбу кўрсаткичлар икки баробар камайган, бироқ физиологик даражадан хануз сезиларли даражада юқори бўлиб қолган. Асосий гуруҳда эса Ki-67 ва десмин экспрессияси меъёрий қийматларга яқин бўлиб, бу яллиғланиш-фиброз қайта тузилиши самарали равишда сусайтирилганини ва ФЁ нинг функционаллигини сақланганини кўрсатади (17-19-расмлар; 2-3-жадваллар).


Иммуногистохимёвий тадқиқот натижалари назорат гуруҳида Ki-67 ва десмин экспрессиясининг энг юқори даражада бўлганини ($67,5 \pm 4,3\%$ ва $67,5 \pm 3,2\%$) кўрсатиб, бу яққол яллиғланиш, фибробластларнинг миофибробластларга фаол трансформацияси ва тез чандикланиш билан характерланди. «Омнивиск» қўлланилган қиёсий гуруҳда ушбу кўрсаткичлар ишончли даражада паст бўлган (Ki-67 – $32,5 \pm 1,4\%$; десмин – $32,2 \pm 1,2\%$; $p < 0,05$), бироқ ўртача даражадаги пролиферация ва фиброз белгилари сақланиб қолган. Na-KMЦ гидрогели қўлланилган асосий гуруҳда эса Ki-67 ва десмин экспрессиясининг энг паст кўрсаткичлари қайд этилган ($20,0 \pm 2,0\%$ ва $12,5 \pm 1,5\%$; $p < 0,05$), бу хужайра пролиферацияси ва фиброзли қайта тузилишнинг самарали сусайтирилиши ҳамда фильтрацион ёстиқчанинг сақланишини тасдиқлади.



16-расм. Назорат гуруҳи. Склера. Операциядан 4 ҳафта ўтгач. Склерозланган склера соҳасининг ИГК тадқиқоти: моноклонал антитаналар (десмин) билан иммун комплекси ҳосил бўлган. Бўяш: Десмин билан ИГК. Г–Э. Кат.: ок. 10, об. 20.



17-расм. Қиёсий гуруҳ. Склера. Операциядан 4 ҳафта ўтгач. СК шаклланиш соҳаси. Иммуногистохимёвий тадқиқот Ki-67 моноклонал ИГК маркери билан бўялганда митотик фаол хужайралар экспрессиясини намоён қилади. Бўяш: ИГК Ki-67. Кат.: ок. 10, об. 40.



18-расм. Асосий гуруҳ. Склера. Операциядан 6 ҳафта ўтгач. ИГК тадқиқот митотик фаол хужайраларда хужайра пролиферацияси маркери Ki-67 (моноклонал антитаналар) экспрессиясини кўрсатади. Ижобий экспрессия янги шаклланган майда туннелларнинг эндотелиал хужайраларида, перицитларда ҳамда строма фибробластларида аниқланади. Бўяш: ИГК Ki-67. Кат.: ок. 10, об. 40.

Шундай қилиб, морфологик ва ИГК маълумотлар Na-KMЦ гидрогели эрта пролифератив жавоб ва миофибробластик трансформацияни самарали равишда сусайтиришини, функционал жиҳатдан барқарор ФЁ шаклланишини таъминлашини ҳамда вискоэластик ва битишмага қарши материал қўлланилмаган стандарт жарроҳлик усулидан устун эканини кўрсатади.

Диссертациянинг «Натрий карбоксиметилцеллюлоза тузи асосидаги гидрогель қўлланилган ҳолда антиглаукоматоз жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан кейин беморлар кўзларининг клиник-функционал ҳамда визуализация-морфологик кўрсаткичларини баҳолаш натижалари» деб номланган еттинчи бобида ФЁ шакллантириш билан боғлиқ антиглаукоматоз жарроҳликнинг турли усуллари самарадорлигини клиник жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Клиник тадқиқотда 105 нафар беморда (105 та кўз) ўтказилган антиглаукоматоз жарроҳлик амалиёти натижалари таҳлил қилинди: назорат гуруҳи – 35 та кўз, қиёсий гуруҳ (вискоэластик «Омнивиск») – 34 та кўз, асосий гуруҳ (Na-КМЦ гидрогели) – 36 та кўз.

